



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил  
2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов  
таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги  
ПҚ-3645 қарори ҳақида

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг ноёб истеъдоди ва  
жўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўтасида дўстлик ва  
хамкорлиқни, адабий-маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига  
кўшган улкан ҳиссасини инобатта олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини  
муносиб нишонлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар  
Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги  
“Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг  
90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-3645 қарори ижро учун  
раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси,  
Республика Мавнавият ва маррифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан  
дўстлик алоқалари кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик  
вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг  
90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги  
тақдирлари маъқулланганлиги;

б) Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг  
90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда  
Ташкилий кўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Ташкилий кўмитага бир ой муддатда Чингиз Айтматов таваллудининг  
90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар  
режасини ишлаб чиқиш топширилганлиги;

Ушбу чора-тадбирлар режасида:

“Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли хотира китобини нашрга  
тайёрланиши ва чоп этилиш топширилганлиги;

Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида хужжатли фильм  
яратилиши;

Ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш ва бадий  
фильм суратга олинishi;

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент  
шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номи берилиши;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-мактабда адиб бюсти  
ўрнатилиши;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  
Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар  
Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар  
билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Республика Мавнавият ва маррифат  
маркази билан хамкорликда “Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти” мавзусида  
илмий конференция ўтказилиши;

Мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта  
таълим муассасалари, харбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳалларда  
таниқли шонр ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий  
кечалар ташкил этилиши;

2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий  
академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча  
тадбирлари ўтказилиши белгиллаб кўйилганлиги маълумот учун қабул  
қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий таълим  
муассасалари, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қорақалпоғистон  
Республикаси бўлими, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон  
Республикаси бўлими, Республика Мавнавият ва маррифат маркази  
Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва жамоатчилик вакилларининг  
буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини  
Республикамиз миқёсида кенг нишонлаш ишларини амалга оширсин.

4. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг  
90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий гуруҳ таркиби иловага мувофиқ  
таълиқлансин.

5. Ташкилий гуруҳ бир ой муддатта Чингиз Айтматов таваллудининг  
90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар  
режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида:

“Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли хотира китобининг  
тайёрланиши ва чоп этилишида, адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида  
хужжатли фильм яратилишида Ташкилий кўмитасига тақдирлар тафсия  
этиلسин.

Ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш чораларини  
кўрсин.

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Нукус  
шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номи берилсин.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими,  
Олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Коракалпоғистон Республикаси бўлими, Республика Марьянавият ва маррифат маркази Коракалпоғистон Республикаси бўлими билан ҳамкорликда бир ой муддатда “Чингиз Айтматов – Ўзбек ва коракалпоқ адабиёти” мавзусида илмий конференция ўтказсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Коракалпоғистон Республикаси бўлими, Республика Марьянавият ва маррифат маркази Коракалпоғистон Республикаси бўлими, билан ҳамкорликда худудимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, харбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда танikli шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Коракалпоғистон Республикаси бўлими ва Коракалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги 2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Бердак номидаги коракалпоқ давлат академик муסיқали театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

8. Коракалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Коракалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари га Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

**Коракалпоғистон Республикаси**  
**Вазирлар Кенгашининг Раиси**

**К.Сариев**

Коракалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг  
2018 йил " 6 " апрелида 227 -сон  
қарорига илова

Буёқ адиб ва жамоат Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг  
нишонлаш бўйича ташкилий гуруҳ таркиби

М.Жуманов	- Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Ташкилий гуруҳ раиси
Д.Курбаниязов	- Коракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши гуруҳ раиси (Кетишти оловчи)
К.Каримов	- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Коракалпоғистон Республикаси бўлими раиси, ташкилий гуруҳ раиси ўринбосари
П.Айтмуратов	- Коракалпоғистон Республикаси Маданият вазирли
Лавозим бўйича	- Олий таълим муассасалари ректорлари ва директорлари
А.Аалпов	- Коракалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирли
П.Турсилов	- Нукус шаҳар хокими в.а.б.
У.Утегенова	- Ўзбекистон Баддий академияси Коракалпоғистон Республикаси бўлими раҳбари
Е.Канатов	- Коракалпоғистон ахборот агентлиги бош директори
Н.Димбетов	- Ўзбекистон Фандар академияси Коракалпоғистон Республикаси бўлими раҳбари
К.Юсупов	- Республика Марьянавият ва маррифат маркази Коракалпоғистон Республикаси бўлими раҳбари
К.Наметов	- Коракалпоғистон телерадиокомпанияси раиси
А.Данияров	- Ўзбекистон Ёиллар итifoқи Коракалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси
Т.Романов	- Фурқаларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш бўйича Коракалпоғистон Республикаси Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари
Лавозим бўйича	- Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти раҳбари, Ташкилий гуруҳ масъул котибни

Изоҳ: Ташкилий гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган шахслар кiritилади.